

Дубай - дунёдаги энг космополит шаҳар



16:53 / 17.10.2018 3024

140 тилда сўзлашадиган, 3,14 миллион одам яшайдиган Дубай амирлиги дунёнинг энг космополит шаҳри сифатида тан олинди. McKinsey & Company глобал консалтинг компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда амирлик аҳолисининг 83%ни бу ерга хориждан келиб муқим яшаб қолган муҳожирлар ташкил қилади.

Резидентлар Дубайга дунёнинг 200 та мамлакатидан келишган. Дубайдаги энг оммабоп мулоқот тиллар бу – араб, инглиз, ҳинду, урду, форс, бенгаль, тамиль, тагаль, хитой, малаялам, француз, немис ва испан тилларидир.

Khaleej Times хабарига кўра, космополитлик рейтингида Дубай Брюсселни ортда қолдирди, бу ерда 62% хорижликлар истиқомат қилади.

Islom.uz портали таҳририяти